2007 I-VI

Янги - 2007 йилнинг қадами қутлуғ ва хосиятли келсин!

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ-
O'.K.U.F. F.T.U.U.
ОЛИЙ БАХТ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2007 йил 1 январ, душанба № 1 (2258)

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз юртдошларим, ватандошларим!

Аввалambор, барчангизни кириб келаётган янги - 2007 йил билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бугун биз якунига етиб бораётган 2006 йилни кузатар эканмиз, йил давомида бошимиздан кечирган қувончли ва ташвишли кунларни, юртимиз ҳаётидаги муҳим ва унутилмас воқеаларни беихтиёр хаёлимиздан ўтказишимиз табиийдир.

Ўз поёнига етаётган йил мамлакатимизнинг тараққиёт йўлида, ҳаётимизнинг барча йўналишларида олдин бошлаган ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятимизни янгилаш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, халқимизнинг фаровонлигини оширишда алоҳида ўрин эгаллайди, десак, ўйлайманки, хато бўлмайди.

Иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатлари 107,2 фоизни ташкил этгани, харидорбоп маҳсулотларимизни четга сотиш, яъни, экспорт миқдори тахминан 30 фоизга, олтин-валюта захираларимиз 33 фоизга, давлат бюджетимизнинг ҳажми 27 фоизга ўсгани, шулар ҳисобидан меҳнатчиларимизнинг реал иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар 36 фоизга кўпайгани, инфляция - нарх-навонинг ўсиш даражаси эса 7 фоиздан ошмагани мамлакатимиз жорий йил мобайнида қандай юксак марраларга эришганининг яққол тасдиғидир.

Шу билан бирга, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» доирасида амалга оширган тадбирларимиз, саховат ва мурувват туйғулари билан йўғрилган саъй-ҳаракатларимиз, шу мақсадда 280 миллиард сўмдан зиёд давлат бюджети ва ҳомийлик маблағлари сарфлангани аҳолининг, аввалambор, кўмак ва мададга муҳтож тоифаларнинг оғирини енгил қилишда катта амалий ёрдам бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўтган йили иқтисодиётимизни ривожлантириш, эл-юртимиз фаровонлигини ошириш йўлида қўлга киритган ана шундай ютуқларимиз юртимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, қисқа ва лўнда қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимизни модернизация қилиш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлат бошқарувини либераллаштириш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ эканини яхши англаб олишимиз зарур.

Шу борада амалга оширилаётган қатъий ўзгаришлар, аввалambор, ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларни замон талаблари даражасига кўтариш, хусусий мулк эгаларига, кичик бизнес ва тадбиркорликка, қишлоқ хўжалиги соҳасида фермерлик ҳаракатига ҳам қонуний, ҳам амалий жиҳатдан кенг йўллар очиб бериш, уларни жамиятимизнинг ҳақиқий таянчи ва суянчи, мамлакатимиз истиқболининг ҳал қилувчи кучига айлантириш масалаларига қаратилгани ва бу вазифалар бундан буён ҳам давлатимизнинг эътибор марказида бўлишини таъкидламоқчиман.

Халқимизнинг эзгу орзу-умиди бўлмиш баркамол авлод, комил инсон тарбиясини ўз олдига мақсад қилиб қўйган умуммиллий дастурларимиз, шу жумладан, Кадрлар тайёрлаш ва Мактаб таълимини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш йўлида бажарган ишларимиз жамиятимизни янги босқичга кўтариш, юксак марраларни эгаллашга хизмат қилаётганини ҳозирнинг ўзида кузатиш қийин эмас.

Бугунги ҳаётимизнинг кўзга ташланаётган муҳим аломатлари ва моҳияти ҳақида гапирганда, аввало, юртдошларимизнинг ички дунёси, онгу тафаккури тубдан янгиланиб, ижтимоий ва сиёсий фаоллиги тобора ортиб бораётгани - буларнинг барчаси замонамиз қанчалик ўзгараётганининг энг ёрқин белгиси, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ишончим комил, мана шу саховатли Ўзбекистон заминида яшаётган барча инсонлар, миллати, тили ва динидан, қараш ва эътиқодидан қатъи назар, бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг энг катта бойлиги, Оллоҳнинг ўзи бизга инъом этган бебаҳо неъмат бўлмиш юртимиздаги тинчлик-осойишталик ва барқарорлик, жамиятимизда мустаҳкамланиб бораётган ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик эканини чуқур англайди ва юксак қадрлайди.

Азиз дўстлар!

Бугун, барчамиз байрам дастурхонлари атрофида жамулжам бўлиб ўтирган мана шу файзли оқшомда, табиийки, ўй-хаёлларимиз, фикру зикримиз янги йил билан чамбарчас боғланиб, бу йил ҳам оиламизга, элу юртимизга тинчлик-омонлик, яхшилик ва тўкинлик олиб келсин, деб эзгу ният қиламиз.

Ана шундай орзу-умидларнинг ушалиши учун кириб келаётган янги йилда ҳам энг устувор вазифамиз - аввалambор, ён-атрофимиз ва дунёдаги ўта мураккаб вазиятни инобатга олган ҳолда, халқимизни ҳар қандай хавф-хатарлардан асраш, уйимиз, оиламиз, Ватанимизнинг осойишталиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш мақсадида бутун кучимизни сафарбар этишимиз зарур, десам, ўйлайманки, бу фикрга сиз, қадрли юртдошларим албатта қўшиласиз.

Айни вақтда мамлакатимизнинг барча соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотларни жадаллаштириш, аҳолимизнинг қабул қилинаётган қарорлардан хабардор бўлиш ва уларнинг ижросини таъминлашга таъсир ўтказиш имкониниг кенгайтириш, жамоатчилик назоратини янада кучайтириш - ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларга етиш учун ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш, аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш бўйича 2006 ва ундан олдинги йилларда бошлаган ижобий ишларимизни изчил давом эттириш, жумладан, ишчи-хизматчиларимизнинг ойлик иш ҳақи ҳамда пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини ўтган йилга нисбатан кўпроқ ошириш масаласи ҳам янги йилдаги режаларимиз қаторига киради.

Айниқса, азиз фарзандларимизнинг келажагини ўйлаб, бор куч ва имкониятларимизни ишга солиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, табаррук кексаларимизнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш сингари масалаларга ҳам доимий эътибор қаратишимиз табиий.

Шу маънода, 2007 йилга «Ижтимоий ҳимоя йили» деб ном берганимиз замирида ҳам, аввало, ҳаётимизни янги босқичга кўтариш, мўхтож инсонлар ва кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, энг муҳими, жамиятимизда ўзаро қадр-қиммат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш каби олижаноб мақсадлар мужассам экани барчамизга аён.

Бир сўз билан айтганда, 2007 йилда амалга оширадиган режа ва дастурларимизнинг маъно-мазмуни ва йировард натижаси ўтган йиллардагидан асло кам бўлмайди, деб ишонтириб айтишга барча асосларимиз бор.

Азиз дўстларим, биродарларим, қадрли ватандошларим!

Мана шундай шукуҳли дамларда ер юзидаги барча мўмин-мусулмонлар қатори муборак Қурбон ҳайитини шоду хуррамлик билан байрам қилаётган сиз, азизларни, бутун халқимизни чин дилдан қутлаб, ўзимнинг самимий тилакларим, меҳр ва ҳурматимни изҳор этаман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат ва омад тилайман.

Янги - 2007 йилнинг қадами қутлуғ ва хосиятли келсин!

Хонадонларимиздан файзу барака аримасин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҚАЛБЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Янги йилни кутиб олиш киши кайфиятига кўтаринкилик бағишлайди. Унга қадам қўйишимиз билан умр китобимизда янги саҳифа очилади. Бир ёшга улғаямиз. Дилда кузатаётган йилдан розилик, олдимизда турган йилда ҳаётимизда эзгуликлар, қувончли кунлар кўп бўлишидан умидворлик ҳислари жўш уради. Бу кунда хурсандчиликни кўнгилга яшириб уйдан чиқмай ўтириш мушкул. Яқинларимиз билан боғ ва хиёбонларни сайр этиб, бошқалардаги хуш кайфиятни ҳам кўришни истаймиз.

Ватанимизнинг юраги бўлмиш пойтахтимиздаги Мустақиллик майдони одамлар билан янада гавжум. Барчанинг юз-кўзида қувонч ифодаси порлаб турибди. Бош майдонимиз ҳар қачонгидан ҳам файз ва кўркамлик ҳосил қилган. Қалбларда байрам шукуҳи кезиб юрибди. Кимдир умр йўлдоши ва фарзандларини етаклаб, яна кимдир нуроний дуогўйлари ҳамроҳлигида, бошқа биров дўстлари билан биргаликда бу ердаги гўзал манзараларни томоша қилмоқда. Уларнинг юрагидан кечаётган ёниқ ва эзгу фикрларни сезиш қийин эмас. Майдоннинг юртимиз тимсолига айлангани, миллий истиқлолимизнинг чинакам рамзи сифатида қиёфа касб этгани ҳар бир юртдошимиз дилида ғурур ва фахр-ифтихор туйғуларини уйғотганлиги шубҳасиз. Энг аҳамиятлиси, Мустақиллик майдонидаги иншоотларнинг бир-бири билан мутаносиблик, уйғунлик ҳосил қилгани ҳаммамизнинг эътиборини тортган. Бу ҳақда улар бир-бирларига ғурур ва ҳайрат ила сўзлашмоқда.

Чинданам бош майдонимизда кейинги йилларда Юртбошимиз ташаббуси билан улкан ўзгаришлар бўлганини фахрланиб гапирамиз. Кумушдай товланиб турган Эзгулик аркаси, миллий озодлигимиз ва муқаддас туйғуларимизни ифодаловчи Мустақиллик ва эзгулик монументи, Хотира хиёбони, Олий Мажлис Сенати, Вазирлар Маҳкамаси ва вазирликлар жойлашган муҳташам бинолар, шарқона услубдаги Тасвирий санъат галереяси саройи, Навоий кон-металлургия комбинати Бизнес марказининг янги қад ростлаган маҳобатли биноси майдонга ўзгача виқор ва кўркамлик бағишлаб турибди. Қолаверса, майдон ҳудудида турли дарахтлар экилиб, ўриндиқлар ўрнатилганлиги бу ернинг одамлар кўнгил ёзиб дам оладиган масканга айланганини билдиради. Танти ва кўнгли очиқ ҳамюртларимизнинг Мустақиллик майдонига табаррук қадамжодай интилишида ана шу ўзгаришларни яқиндан кўриш, Ватанимиз истиқлолининг нақадар бебаҳо неъмат эканлигини дилдан туйиш истаги мужассам. Бу ҳислар янги йил кайфияти билан қўшилиб кетишини-ку энди тасаввур қилаверинг.

Шундай байрамона хурсандчилик лаҳзаларида юртдошларимизнинг қалб сўзларини эшитгимиз келади. Уларни бирма-бир саволга тутамиз.

— Биз оила аъзоларимиз билан пойтахтимизни томоша қилишга келдик, - деди Алишер Тожиев деб ўзини таништирган юртдошимиз. - Қашқадарё вилоятининг Чироқчи тумани Оқтўпли қишлоғиданмиз. Тошкентга келмаганимизга анча бўлганди. Фақат телевизор орқали республикамиз марказий гўзаллашиб бораётганини кўриб ҳавасимиз келарди. Шунинг учун фарзандларим ва турмуш ўртоғим билан пойтахтдаги гўзал жойларни сайр этишни ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонини сайр этиб юрибмиз. Бир-биридан чиройли бинолар, иншоотларни томоша қилиб, кўнглим ёшарғандек бўлди. Буларнинг барчаси мустақиллигимиз шарофати, Президентимизнинг савобли ва оқилона саъй-ҳаракати туфайли юз кўрсатди. Илоҳим, бундай хайрли ишларга бош бўлган Юртбошимиз ҳамиша соғ-саломат, омон бўлсинлар. Ўзбекистонимиз ҳозиргидан ҳам гўзаллашиб, фаровонлашиб бораверсин. Янги йил ҳаммамизнинг ҳаётимизга яхшиликлар, омадлар олиб кирсин.

Ҳар бир суҳбатдошимиз қалби ана шундай эзгу тилаклар билан лиммо-лимлигига гувоҳ бўлдик. Бундай пок ниятли одамлар яшаётган диёрда қувончли кунлар кўп бўлишига кўнгилда ишонч уйғонади.

Тўлқин ШЕРНАЕВ,
Ишонч мухбири

С.ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат

«Туркистон» саройида болалар учун «Президент арчаси» байрам шодиёналари бўлиб ўтди.

Репортаж

Ўзбекистон касаба уюшмалари ва жаҳон

АЁЛЛАР МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИ

Касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир

Яқинда Брюсселда Европа парламентида бўлиб ўтган "Ўзбекистонда гендер тенглик" мавзуидаги давра суҳбати давомида мамлакатимизда ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар хусусида фикр юритилди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова бошчилигидаги делегация вакиллари иштирок этдилар. Анжуман иштирокчиларига Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида аёллар ролини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида кенг қамровли маълумотлар берилди. Аёллар ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда муҳим ўрин эгаллаш билан бирга, тенг ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланишлари, оналик ва болаликни муҳофаза этишга йўналтирилган махсус дастурлар доирасида давлат томонидан эътибор ва ғамхўрлик билан қамраб олинганликлари алоҳида таъкидланди.

Истиқлол йилларида аёлни улуғлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, айниқса, аёлларнинг эркаклар билан тенг имкониятларга эга бўлишлари, гендер тенглик масалаларида кўплаб ибратли ишлар амалга оширилди. Ушбу масалалар қатор қонун ҳужжатлари, Фармон ва қарорлар, Давлат дастурларида ўз аксини топди. Бугун аёлларимиз нафақат оила бекаси ва фарзанд тарбиячиси, балки давлат ва жамият қурилишида, иқтисодиёт ва илм-фанда, тадбиркорликда, санъат, спорт, қўйингки, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, сирасини айтганда, мамлакатнинг буюк келажагини барпо этишда бетакрор салоҳият ва иқтидор эгалари эканликларини намоён этмоқдалар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятида ҳам аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимояси, уларга етарли иш шароитлари яратиб бериш, маънавий савияларини юксалтириш, аёллар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш масалалари асосий ўринни эгаллаб келмоқда. Бунда ижтимоий шерикчилик тамойили муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги ҳаракат дастурига мувофиқ аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш ва меҳнат қилиш, эркин касб танлаш ҳуқуқини амалга ошириш, хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш ва тиббий хизмат кўрсатиш, ижтимоий ва маданий ҳаётда иштирок этиш, билим олиш ва камол топиш, ўқиш ва етакчилик қилиш, шахснинг дахлсизлиги, эркаклар билан тенг ҳуқуқлилик каби масалалар устувор йўналишлар ҳисобланади.

Мазкур анжуманда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Дилбар Жаҳонгирова "Давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг роли; иқтисодий ривожланишда аёллар фаолияти" мавзуида сўзга чиқиб, бу борада Президентимиз ташаббуси билан олиб борилаётган ишлар туфайли эришилаётган натижаларни алоҳида таъкидлаб ўтди.

— Мамлакатимизда бугунги кунда гендер тенгликни амалга ошириш учун зарур ҳуқуқий майдон яратилган, — деди жумладан Д.Жаҳонгирова. — Аёллар ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик Кодекси ва Оила Кодекси, Меҳнат қонунчилиги ва бошқа қонун ҳужжатлари билан ҳимояланган. Ўзбекистон Республикаси "Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида"ги халқаро конвенцияга қўшилди. Халқаро меҳнат ташкилотининг "Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида", "Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситиш тўғрисида", "Бир хил қийматли меҳнат учун эркаклар ва аёлларни тенг тақдирлаш тўғрисида"ги конвенцияларини ратификация қилди ва бу билан аёлларга нисбатан камситмаслик сиёсатини олиб боришни ўз зиммасига олди ҳамда ушбу мақсадда аёлларнинг ҳуқуқлари юридик ҳимоя қилинишини белгилайдиган тегишли қонунларни қабул қилди.

Гендер тенгликка, аёллар ва эркаклар ижтимоий муҳофазаланганлигининг бир хил даражасига эришиш учун ижтимоий соҳада касаба уюшмаларининг эътиборини кучайтириш, жамоа шартномалари ва келишувларини тузишда гендер ёндошувига риоя қилиш ҳам жуда муҳимдир.

Бунда биз аёллар ва эркакларнинг манфаат ва эҳтиёжлари тенг асосда кўриб чиқилиши, баҳоланиши ва эътиборга олинишидан келиб чиқамиз. Бу — аёллар ва эркаклар бир хил бўлишлари керак дегани эмас, бу – уларнинг ҳуқуқлари, вазифалари ва имкониятлари уларнинг ким эканликлари, яъни эркак ёки аёл эканликларига боғлиқ бўлиб қолмаслигини билдиради.

(Давоми 2-бетда)

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Топаркан йил ниҳоя
Юртбоши берди ғоя
Янги йилни атайлик:
«Ижтимоий ҳимоя».

Токи эзгу ишларга
Ҳеч ким солмасин соя
Қилайлик ҳар одамни
Ижтимоий ҳимоя

Қонимизда азалий
Меҳрибонлик оқади:
Энг камбағал одам ҳам
Маҳаллани боқади.

Ўзинг билган инсонга
Биргина сўз кифоя
Қанийди бир-биримиз
Доим қилсак ҳимоя

Қўлимиздан келса гар
Берайлик моддий кўмак
Сал қийналиб қолганда
Инсонга далда керак

Бу аёвсиз дунёда
Кимнинг жисми ногирон.
Жисми бутун одамнинг
Эҳтимол дили вайрон.

Ёшларни қўллаш керак
Улар бизнинг эртамиз
Вақтида эркалатсак,
Эр бўлади эркамиз

«Сира ёлғиз эмассан»
Дея олсак бағирга
Энг юксак одамийлик
Кўрсатамиз сағирга.

Ҳимоянинг тури кўп:
Ташқи-ички дегандай.
Ташқисидан кўнгли тўқ:
Чегарачи-мергандай.

Фақат ички душмандан
Ҳимоя сал оғирроқ.
Чунки иш қилар зимдан,
Халқимиз ҳушёр бироқ.

Кўп нарса керак эмас
Бир ширин сўз кифоя
Билсанг шунинг ўзи ҳам
Ижтимоий ҳимоя

Дўстлар, янги йилимиз
Энди толди бидоя
Қутлуғ бўлсин барчага
Ижтимоий ҳимоя.

Сиддиқжон МЎМИНОВ,
филология фанлари доктори

Эътироф

МОДДИЙ ЁРДАМ ВА МАЪНАВИЙ МАДАД

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини диққат билан тингладик ва синчиклаб ўқиб чиқдик. Бу бизни янги марраларни забт этишга отлантирди.

Энг аввало, шуни таъкидлаш зарурки, мазкур маруза бошдан-оёқ инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш устувор вазифамиз эканлиги ғояси билан суғорилган бўлиб, бу ғоя Юртбошимиз республикамизга раҳбар этиб сайланганидан бошлаб ҳамиша кун тартибидан тушмай келаётгани ҳам бор ҳақиқат. Бир мисол. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошларидаёқ, ҳали Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини эълон қилмаган даврларда мамлакатимиз деҳқонларига бир неча юз минг гектар суғориладиган ер томорқа сифатида тақсимлаб берилганди. Бу тадбирни аслида ижтимоий ҳимоянинг бошланиши эди, десак арзийди. Шундан бери ўтган давр мобайнида бу борада кўп ишлар қилинди, анча тадбирлар амалга оширилди. Маърузада эслганидек, ўзбек модели деган ном билан бутун дунёда тан олинган мустақил тараққиёт йўлимизнинг негизида машҳур беш тамойилдан бири — айнан кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш масаласи ҳам туради.

1997 йилдан бошлаб, Юртбошимиз ҳар йили Конституция байрами арафасидаги тантанали йиғилишда келгуси йил учун шиор тавсия қилмоқда, бу тавсия йиғилиш қатнашчилари томонидан якдиллик билан қувватланмоқда. Орада ўтган йилларимиз "Инсон манфаатлари йили", "Соғлом авлод йили", "Аёллар йили", "Оила йили", "Она ва бола йили", "Обод маҳалла йили", "Қарияларни қадрлаш йили", "Меҳр ва мурувват йили", "Сиҳат-саломатлик йили", "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб аталди. Бу саноқни келтиришдан муродимиз шуки, маърузада айтилганидек, бу ўн йилнинг барчасини бирлаштирадиган умумий бир мезон бор. У ҳам бўлса, инсон, унинг ҳаёти, орзу-ниятлари, дарду ташвишларини эътиборимиз марказига қўйиб, кўзлаган бош мақсадимиз одамларнинг оғирини енгил қилишга қаратилган интилишларимиз мисолида яққол намоён бўлмоқда. Ўтган ўн йилнинг барчаси ўзининг маъно-мазмуни ва аҳамиятига кўра ўзаро чамбарчас боғланиб, мантиқан бир-бирини тўлдириб, айнан халқимиз манфаатларини таъминлашдек мақсадга хизмат қилиб келаётганини кўрамиз.

(Давоми 2-бетда)

АЁЛЛАР МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИ

Касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир

(Боши 1-бетда)

Касаба уюшмаларининг жамоа музокараларида аёлларнинг манфаатларини ҳисобга олиш билан боғлиқ стратегик мақсадлари, биринчидан, кўплаб корхоналарда ташкил этилган ва фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар комиссиялари орқали амалга оширилмоқда. Бундай комиссиялар ишловчи аёллар ва ўсиб келаётган авлоднинг меҳнат шароитларини, турмушини янада яхшилаш, маънавий эҳтиёжларини қондириш масалалари бўйича иш берувчиларга, маҳаллий ҳокимият органлари ва касаба уюшма ташкилотларига таклифлар киритадилар. Иккинчидан, корхона ва ташкилотларда тенглик асосларида ташкил этиладиган ва аёллар ўз мустақил овозига эга бўлган жамоа шартномалари лойиҳаларини тайёрлаш бўйича комиссиялар орқали амалга оширилади.

Бундай ёндошув натижасида кейинги йилларда жамоа шартномалари ва келишувларига гендер тенглик масалаларини ўз ичига олган тадбирларнинг киритилиши ҳисобига уларнинг гендер салоҳиятини кучайтиришга эришилди. Ушбу тадбирлар меҳнатнинг бола тарбияси билан уйғунлигини таъминлашга, оналар ва болаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ҳомиладор аёллар ва оналарга пули тўланадиган таътиллар ва бошқа имтиёзлар бериш, болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдириш, 16 ёшгача фарзанди бўлган ишловчи аёлларга ўртача ойлик маоши сақланган ҳолда қисқартирилган иш куни белгилаш ёки қўшимча дам олиш куни бериш каби кўплаб имкониятларни бермоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси юқоридаги фикрларини рақамлар билан ҳам тасдиқлаб берди:

— Республика бўйича ҳар йили жамоа шартномалари ва келишувлари орқали:

— 600 минг нафардан зиёд аёл қўшимча таътил оладилар;

— иш берувчилар ҳисобидан 40 минг нафар аёл қонунда белгиланган муддатга нисбатан 1-2 ойга узайтирилган ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари оладилар;

— мактабгача ёшдаги фарзандлари бўлган 200 минг нафар кўп болали аёлга қисқартирилган иш куни белгиланади ва моддий ёрдам кўрсатилади;

— 2 ёшдан 3 ёшгача бола парвариши таътилида бўлган 40 мингдан зиёд аёл моддий ёрдам олади;

— маълумки, 3 ёшгача фарзанди бўлган ва бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга мамлакатимизда амал қилаётган қонун бўйича иш ҳафтасининг давомийлигини 1 соатга қисқартириш ҳуқуқи берилган, бугун жамоа шартномалари ва келишувлари орқали бундай ҳуқуқдан нодавлат секторида меҳнат қилаётган 100 минг нафар аёл ҳам фойдаланмоқда;

— 150 мингта кам таъминланган оилаларга доимий равишда моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш соҳасида ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатаётган аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш билан боғлиқ қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этди.

Меҳнат соҳасида гендер ёндошув жинсидан қатъи назар барча меҳнаткашларнинг амалдаги тенглигига эришиш мақсадидаги барча турдаги фаолиятларда тенглик муаммоларини интеграциялаш воситаси ҳисобланади. Қуйидагилар бу соҳада бугун дунёда умумэътироф этилган муаммолар ҳисобланади:

— камситмаслик тамойилини тўла татбиқ этиш мақсадида меҳнат соҳасида асос солувчи тамойилларни илгари суриш ва амалга ошириш;

— аёллар ва эркакларнинг мақсулдор бандлиги учун янада кенгроқ имкониятлар яратиш, уларни муносиб иш ва иш ҳақи билан таъминлаш ва бу орқали ижтимоий ва иқтисодий интеграцияга эришиш;

— барча инсонларнинг ижтимоий-иқтисодий, шу жумладан, меҳнат муҳофазасини таъминлаш ва ижтимоий ҳимояланганлик даражасини ошириш бўйича чоратадбирлар қабул қилиш орқали барча учун ижтимоий ҳимоя самарадорлигининг янада ўсишига эришиш ва ҳоказо.

Шу ўринда касаба уюшмаси бошқа ижтимоий гуруҳларнинг ҳуқуқларига зарар етказиш ҳисобига аёллар ҳуқуқларини кенгайтирувчи ташкилот эмаслигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Касаба уюшмаларининг мақсади гендер тенглигига — ижтимоий-меҳнат муносабатларида эркаклар ва аёллар ижтимоий муҳофазаланганлигининг бир хил даражасига эришиш.

Мазкур анжуманда Европа парламенти депутатлари томонидан аёллар ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги Ўзбекистон тажрибаси гендер тенглигига эришишга муҳим ҳисса қўшиши таъкидланди. Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида аёлларни иш билан таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ишлар, жамият ҳаётининг турли соҳаларида хотин-қизларнинг фаол иштироки туфайли эришилаётган ютуқлар, бу борада жамоат ташкилотлари билан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар катта эътиборга лойиқ эканлиги эътироф этилди.

Муҳаббат Ўрмонбекова,
ЎзКУФК матбуот котиби

ЭЗГУЛИК ЯХШИ НИЯТДАН БОШЛАНАДИ

Ўзбекистон КУФК маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Асқарали Султонов билан суҳбат

— Асқарали Шокирович, мана бағрида қанча оламшумул воқеа-ҳодисалар, қувончли зафарларни қучганча Ҳомийлар ва шифокорлар йили ўтиб кетди. Ҳар бир инсон ана шундай кунларда умрнинг бебаҳолиги ҳақида ўйлайди. Ортга қараб бир лаҳза ўтган кунларига назар ташлайди. Айтинг-чи, қадрдон бўлиб қолган йил билан хайрлашиб, янги йилни кутиб олаётган шу оний лаҳзаларда кўнглингиздан қандай ўйлар кечмоқда?

— Сарҳисоб палласи кечаётган бундай дамларда босиб ўтилган йўлларга кўз ташлаш, қилинган ишлардан қувониш, бажарилмаган ишларни амалга ошириш чораларини кўриш халқимизга хос азалий одат. Инсоният тарихи олдида бир йил денгиздан томчи монанд бўлсада, лекин шу вақт мобайнида қўлга киритилган муваффақиятларни умнонга қиёслаш мумкин.

Дарҳақиқат, ўтган йилда мамлакатимиз ўз истиқлолининг ўн бешинчи довонини забт этди. Эртанги кун истиқболига асос бўладиган муҳим қонунлар қабул қилинди.

Қанчадан-қанча улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Хуллас, ўтган йил барча-барчамизнинг ҳаётимизда эсда қоладиган йил бўлди. Чунки юртимизда амалга оширилаётган ҳар бир эзгулик замирида инсон шахсияти, янада аниқроқ айтсак, сизу бизнинг бахтимиз, манфаатларимиз мужассам. Шу маънода Ватанимиз тараққиёти — бизнинг тараққиётимиз, юртимиз ободлиги — хонадонларимиз ободлиги, миллат келажаги — фарзандларимиз иқболи.

— Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, Она Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана, урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёшлар қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу борада касаба уюшмаларида қандай ишлар амалга оширилди?

— Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг куч-қудратидир. Президентимизнинг ушбу эътирофлари бизга қўлланма, дастур ҳисобланади. Шу маънода миллий ғоя тарғиботини касаба уюшма аъзоларининг маънавий бойлигига, дунёқараш негизига айлантиришга эришиш асосий мақсадимиздир. Қолаверса, мустақиллик йилларида ниҳоятда қимматли миллий, маънавий, руҳий баркамолликка эришдик. Одамларнинг дунёқараши ўзгарди, миллий ғурур туйғуси, халққа, Ватанга меҳри, ҳаётга, меҳнатга муносабати, айниқса, эгалик, масъуллик ҳисси кучайди. Бу биринчидан, Озодлик шукуҳи бўлса, иккинчидан, маънавиятнинг инсон қалби, маданияти ва руҳиятидаги таъсиридир. Давлатимиз кўзлаган буюк манзилга фақат ана шу маънавият йўлидангина бориш мумкин.

Келажак эса бугундан бошланади. Шу маънода буюк боболаримиз эъзозлаган миллий меросимиз, қадриятларимиз, шонли тарихимизни қанчалик теран англасак, бу ҳақиқатни ёшларимиз тафаккурига сингдирсак, истиқболимиз шунчалик фаровон, йўлимиз шунчалик нурли бўлади. Негаки, бугунги саъй-ҳаракатимиз, эзгу ишларимиз келажакка ўтади.

Шу боис, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар бўйича Федерация Кенгашининг 2006-2008 йилларга мўлжалланган дастурини ишлаб чиққанмиз. Шу асосда эзгу саъй-ҳаракатлар давом этмоқда.

— Адолатли, халқпарвар жамият қуриш йўлидан бораётган давлатимизнинг бош тамойили инсон шаънини улуғлаш, унинг ҳаётини муҳофазалашдан иборат. Бунинг учун эса ҳар бир инсон инсон сифатида қадрланиши, эркин фуқаро сифатида ўзини ҳис қилиши, Ватан, халқ олдида масъулиятини англаши зарур. Шундай эмасми?

— Ҳукуматимиз ҳар бир инсоннинг фаровон яшаб, осойишта турмуш кечириши, оиласи, соғлиги, қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси учун зарур шарт-шароитларни яратишга эътибор қаратмоқда. Ўтган ўн йил давомида йилларимиз алоҳида бир ном билан аталиб, мазкур даврдаги ижтимоий тараққиётимизнинг бош йўналишлари уларда ўз ифодасини топди. Янги йилни «Ижтимоий ҳимоя йили» деб номланишида ҳам катта рамзий маъно бор. Қолаверса, бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилидан бири ҳам кучли ижтимоий ҳимоядир. Аҳоли ижтимоий муҳофазаси бу — мамлакатда олиб борилаётган, кўп қиррали устувор йўналишнинг асосини ташкил қилиши билан бирга, энг оммавий ташкилот ҳисобланган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳам ҳаракат дастури ҳисобланади. Қолаверса, «Инсон қадри — ҳар нарсадан улуғ» деган улуғвор ғоя билан фаолият юритаётган Федерация кенгашимиз ижтимоий шерикчилик тамойили асосида эзгу ишларни амалга оширмоқда.

Чунончи, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» давлат Дастури доирасида ўтган даврда кам таъминланган, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига байрамлар муносабати билан касаба уюшма маблағи ҳисобидан 1,6 миллиард сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 307 мингдан зиёд кишига 9 миллиард сўмга яқин (шундан 400 миллион сўми касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан) моддий ёрдам уюштирилди.

Бундан ташқари, 49-та болалар уйлари, ақли заиф болалар мактаб-интернатлари, тиббиёт муассасаларини оталиққа олиб, 136 миллион сўмга яқин кийим-кечак, озиқ-овқат, маданий-маиший моллар, дори-дармон, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар, бадиий адабиётлар, ўқув қуроллари, дарсликлар совға қилинди.

Меҳнаткашлар саломатлигини янада яхшилаш мақсадида «Умид гулшани» санаторийсида балчиқ ва сув билан даволаш корпуси қурилиб, «Қашқадарё соҳили» санаторийсида 110 ўринли ётоқхона биноси ҳамда «Насаф» сиҳатгоҳи қайта таъмирланиб, ишга туширилди. Булар касаба уюшмаларининг ижтимоий ҳимоялаш борасидаги фаолияти ҳам биз учун ибрат мактабидир. Қолаверса, ҳар бир жамиятнинг маънавият даражаси унинг истеъдодли ва қобилиятли шахслар, айниқса, ёшларни қўллаб-қувватлаш, қадрлаш, уларнинг қобилиятларини юзага чиқаришда шарт-шароитлар яратишдан иборатдир. Негаки, ҳар бир истеъдод эгаси миллатнинг юзи, ғурури ва келажаги ҳисобланади. Бунга ўзимиз ҳам гувоҳ бўлиб турибмиз.

— Она Ўзбекистонимиз дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини топишида спортнинг роли беқиёс. Юртимизда спортнинг ривожи учун ҳуқуқий пойдевор, иқтисодий замин яратилган. Ҳеч шубҳасиз бунда касаба уюшмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

— Жисмоний тарбия ва спорт фаолиятимизнинг ажралмас қисмини ташкил этади. Спортнинг оммавийлигини таъминлаш йўли билан ёш авлодни соғлом, жисмоний бақувват этиб тарбиялаш масаласи ҳамиша диққат марказимизда. Айни кунда касаба уюшмалари тизимидаги 41 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида 12 мингдан зиёд ўғил-қизларимиз ўз маҳоратларини оширмоқдалар. Мазкур мактаб тарбияланувчилари орасидан 126 нафар халқаро тоифадаги, мингдан зиёд спорт усталари ва спорт усталигига номзодлар етишиб чиққанининг ўзиёқ бу борада амалга оширилаётган ишимизнинг нақадар салмоқли эканлигидан дарак беради.

Фикримизнинг далили сифатида Қатар давлати пойтахти Доҳа шаҳрида бўлиб ўтган XV Осиё ўйинларини олишимиз мумкин. Унда мамлакатимиз спортчилари 45 давлат ўртасида умумжамоа ҳисобида еттинчи ўринни эгаллади. Бунда 32 нафар касаба уюшмаси спортчиларининг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. Шуниси қувончлики, 12 тур бўйича иштирок этган спортчиларимиз жами 14 та — 7 та олтин, 5 та кумуш ва 2 та бронза медалини қўлга киритдилар.

Федерация кенгашимиз томонидан Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиб, совринли ўринларни қўлга киритган спортчилар ва уларнинг мураббийлари фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Қолаверса, ҳар йили тармоқ касаба уюшмаларининг спартакиадалари зўр уюшқоқлик билан ўтказилиб, уларда минглаб ишчи-хизматчилар ва уларнинг фарзандлари иштироки таъминланмоқда. Рақамларга мурожаат этайлик. Айни кунда касаба уюшма тизимидаги жисмоний тарбия ва спорт жамиятида 5 мингдан зиёд жамоалар ва спорт клублари фаолият кўрсатмоқда. Шундан 3 мингдан ортиғи қишлоқ ҳудудларда жойлашгани эътиборга сазовор.

Бундан ташқари, ёшларда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, меҳнаткашларни ҳаваскорлик фаолиятига жалб этиш, улар қобилиятини ривожлантириш ва профессионал санъатга қизиқишини қўллаб-қувватлаш мақсадида ЎзКУФК раёсати қарорига асосан ҳар икки йилда «Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреати» соврини учун кўрик-танловни ўтказиш анъанага айланган. Бу йилги кўрик-танлов катта уюшқоқлик ва байрамона руҳда ўтди. Минглаб ҳаваскорлар иштирок этган тадбирнинг республика босқичида 215 нафар қатнашчи ўз иқтидорини намойиш этди. Кўрик-танлов натижаларига кўра 10 та йўналишда 14 та яккахон ва жамоалар «Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофотининг лауреати» бўлишди. Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида лауреатларнинг тақдимот маросими ва концерти намойиш этилди. Хуллас, маданий-маърифий тадбирларимизнинг ҳар бири она-Ватан, миллатга муҳаббат каби инсоний туйғуларни янада кучайтириб, қалбларни эзгулик нурлари билан мунаввар этишга хизмат қилмоқда.

— Янги йилни «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши буюк давлат қуриш йўлидаги эзгу ишларнинг мантиқий давомидир. Бу эса оммавий ташкилот зиммасидаги масъулиятни янада оширади.

— Навоий бобомиз айтганларидек:

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод
айлагай,
Онча борки Каъба вайрон бўлса, обод
айлагай.

Ёлғизлик — маънавий хасталик. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» давлат Дастурининг мақсадларидан бири ана шундай маънавий ёлғизликни бошидан кечираётган одамларга жамиятда уларни ҳам йўқловчилари, меҳрибонлари борлигини англатишдан иборат эди. Бунда халқимизга хос беғараз йўқловларнинг аҳамияти катта бўлди. Федерация кенгашидан тортиб, бошланғич ташкилотимизда фаолият кўрсатаётган касаба уюшма фаолларигача ана шундай беғараз йўқловлари билан минглаб қалбларга саховат, юзлаб кам таъминланган оилаларга меҳр, фарзандларига соғлик-саломатлик улашганини мамнуният билан қайд этишни истардим. Ўтган йилда амалга оширган барча саъй-ҳаракатимиз, лоақал битта хаста кўнгилга қувонч бағишлаган экан, бундан бахтиёрмиз.

Қолаверса, ижтимоий ҳимоя сўзининг замирида олижаноб инсоний туйғу мужассам. Бу дегани юрт ободлиги, эл фаровонлиги, соғлом авлодга эътибор, кексаларга иззат-икром кўрсатиш. Шунингдек, ногирон, хаста, қаровсиз, етим-есирларни қаноти остига олиб, паноҳ бўлиш, ёрдам кўрсатишдир. Янги йилда қилинадиган ишлар, ҳал этиладиган юмушлар, кўзланган мақсадлар янада залворли. Бу касаба уюшмалари зиммасидаги масъулиятни оширади. Мақсадимиз янги ўзгаришларга ўтиш даврида аҳолини ижтимоий жиҳатдан пухта муҳофазалаш, барча соҳаларда ислоҳотларни чуқурлаштириш орқали халқ фаровонлигини таъминлашдир.

Бугун Федерация кенгашимиздан тортиб барча тизимдаги касаба уюшмаларигача ўзгача кайфият, катта масъулият билан янги йил учун эзгу ниятлар режаси тузилган. Зеро, эзгулик яхши ниятдан, олижаноб режадан бошланади.

Янги йил юртимизга тинчлик, омонлик, осойишталик олиб келсин.

Ижтимоий ҳимоя йилимизнинг қадами қутлуғ келсин.

Ушбу йилда барчамизга янги-янги зафарлар ҳамроҳ бўлсин!

Суҳбатдош: Амина ҚОДИРОВА,
«Ишонч» мухбири

БОЗОРЛАРИМИЗ ТЎКИН-СОЧИН

И.ҲАСАНОВ олган сурат

Янги йил кириб келиши муносабати билан бозорларимиз ўзгача тусга кирган. Қишқировли кунлар бўлишига қарамай бозорларни айланиб, расталарга бир қур разм соламиз: кўз қувонади. Йил давомида етилиб, қишга асралган мева-чеваларни-ку қўя турайлик, турли-туман кўкатлару ҳозиргина бандидан узилган помидор-бодринг, лимонлар... Уларни кўрганда беихтиёр миришкор деҳқонларимизга раҳмат айтамиз, юзимизда миннатдорлик, офарин ифодаси зоҳир бўлади. Айниқса, шу кезларда бозорларимиз янаям тўкин-сочин, деҳқон ўзи етиштирган маҳсулотининг энг сарасини бозорга олиб чиққан. Сир эмаски, узоқ-яқин иссиқ ўлкалардан бу хил неъматларни етказиб келиш осон, аммо бунинг ҳам ўзига яраша тадбири, ташвиши бор. Ҳолва деган билан оғиз чучимас дейишади, аммо тадбир билан қалови топилса қор ҳам ёнади. Миришкор деҳқонларимиз бозорлардаги бу неъматларни ўз она-еримизда, иссиқхоналарда етиштириб, қиш дастурхонига ёз неъматларини муҳайё қилмоқда.

Дарҳақиқат, бозорларимизда мандарин, банан, киви, ананас сингари чет эллардан келтирилган ғаройиб мева-чевалар кўп. Лекин, уларга қараганда ўз еримизда деҳқонларимиз етиштирган маҳсулотлар яна ҳам мўлроқ ва биз учун ҳар жиҳатдан қадрли. Негаки, ота-боболаримиздан қолган ўгитларда, ҳар кимга туғилиб ўсган ва яшаётган диёрининг кўкати, мева-чеваси бошқа жойникидан юз чандон азиз ва дори-дармон бўлиши таъкидланган. Зеро, инсоннинг жон-тани киндик қони томган тупроғи, суви, ҳавоси ҳамда қуёшига мослашган бўлар экан. Шундай экан, бозорларимизни тўлдириб турган, ўз юртимизда етилган дармон-дорили ноз-неъматлар биз учун алоҳида ўринга эга.

Бозорларимизнинг тўкин-сочинлиги бугунги фаровон ҳаётимизнинг белгисидир. Бунинг учун эса элимиз фаровонлигини ошириш, дастурхонини тўкин қилиш йўлида фидокорона тер тўкаётган миришкорларимизга таъзим қиламиз.

Раимкул СУЯРОВ,
«Ишонч» мухбири

МОДДИЙ ЁРДАМ ВА МАЪНАВИЙ МАДАД

(Боши 1-бетда)

Ўзига хос ва мос ном билан аталган ўн йилимизнинг ҳар қайсиси ўзида мужассам этган маъно-мазмуни, ўз олдига қўйган мақсадлари, долзарблиги ва аҳамияти билан ҳаётимизда мавжуд бўлган муаммоларни ечишда бир йиллик муддат билан чегараланиб қолмайди. Масалан, ўтган йилимизга "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб ном беришдан кўзда тутилган мақсадларни чуқур англаб, инобатга оладиган бўлсак, ўз-ўзидан аёнки, амалга оширилган тадбир ва ишларимизнинг ҳали қанча-қанча давоми, бу борада ўз ечимини кутаётган қанча-қанча муаммолар бор. Шу ҳолатнинг барчаси, халқимизнинг кайфият ва эҳтиёжи, орзу ва интилишлари ҳисобга олинган ҳолда янги — 2007 йил юртимизда "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилинди.

Таъкидлаш зарурки, ўтган ўн йилни бошдан кечирмай туриб, "Ижтимоий ҳимоя йили" деб аталаётган йилга етиб бўлмасди. Таъбир жоиз бўлса, рамзий қилиб айтганда, ўтган ўн йилимиз тараққиёт сари деб аталган, кўкка бўй чўзган нарвоннинг ўнта пояси бўлса, "Ижтимоий ҳимоя йили" ўн биринчи поядир.

Хўш "Ижтимоий ҳимоя йили" деганда нимани тушунмоқ керак? Нега бундай номланмоқда? Унинг ўтган йиллардан, масалан, "Меҳр ва мурувват йили"дан нима фарқи бўлади, қандай ўхшаш жиҳатлари бўлиши мумкин? Маърузада айтилганидек, ижтимоий ҳимоя масаласи – бу фақат давлат ва ҳокимият ташкилотлари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининг иши бўлиб қолмаслиги лозим. "Ижтимоий" деган сўзнинг кўпчиликка, жамоатчиликка тегишли деган маънони ифода этишини инобатга оладиган бўлсак, бу ўта муҳим масала жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиши даркор. Бинобарин, "Ижтимоий ҳимоя йили" шиорининг қамрови кенг бўлиб, 2007 йил ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қуришимиз йўлида бир босқич бўлиши кутилмоқда. Шу ўринда Ҳадиси шарифлардан бирини келтиришни лозим кўрамиз. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллолоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилганларки, "Барча амаллар ниятга яраша бўлғусидир". Ниятимиз эса пировард оқибатда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш, ўзбек деган миллат, Ўзбекистон деган юрт дунё тургунча туришига эришмоқдир.

Ижтимоий ҳимоя тушунчасини **ижтимоий ёрдам, ижтимоий нафақа ва ижтимоий таъминот** тушунчаларидан фарқламоқ керак. Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг тўртинчи жилдида ёзилишича, қарилиги, соғлиғи, ижтимоий аҳволи, тирикчилик учун воситалар билан етарли таъминланмагани туфайли ёрдамга муҳтож фуқаролар тўғрисида давлат ва жамиятнинг ғамхўрлигига **ижтимоий ёрдам** дейилади. Бу ёрдам пенсиялар, нафақалар тўлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, 16 ёшгача фарзанди бўлган, кам таъминланган оилаларга ойлик нафақа тўлаш, беморлар ва кексаларга хизмат кўрсатиш, болаларга ғамхўрлик қилиш кўринишида амалга оширилади. Меҳнатга лаёқатсизларни моддий таъминлашнинг қатъий кафолатли тизими **ижтимоий суғурта** дейилади. Бу тизим давлат томонидан жорий этиладиган, назорат қилинадиган ва кафолатланадиган кексалар, меҳнатга лаёқатсизларни таъминлаш, ёрдам кўрсатиш тизимидир.

Ижтимоий таъминот кексайган, меҳнатга лаёқатсиз бўлган фуқароларга моддий, тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича давлат томонидан белгиланган ижтимоий-иқтисодий тадбирлар тизими бўлиб, ижтимоий ҳимоянинг муҳим тармоғи ҳисобланади. Ижтимоий таъминот тўғридан-тўғри давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, ҳомийларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Пенсиялар ва ижтимоий нафақалар тўловлари ижтимоий таъминотнинг энг муҳим турлари ҳисобланади.

Мана энди ижтимоий ҳимоя таърифига ўтсак бўлади. **Ижтимоий ҳимоя** ибораси кенг маънода ва тор маънода қўлланилади. Кенг маънода қўлланилганда, мамлакат аҳолиси ижтимоий ва моддий муҳофаза қилинишини таъминлайдиган ва жамиятда қарор топган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи тушунилади. Тор маънода қўлланилганда эса давлат ва жамиятнинг ёши, саломатлиги ҳолати, ижтимоий аҳволи, тирикчилик воситалари билан етарли таъминланмагани туфайли ёрдамга, кўмакка муҳтож фуқаролар тўғрисидаги ғамхўрлиги тушунилади.

Ижтимоий ҳимоянинг асосий мақсади аҳоли фаровонлиги тўхтовсиз яхшилинишини таъминлаш, аҳоли қатламларининг таълим, маданият, касб малакаси, даромадлари жиҳатидан кескин тафовутларига барҳам бериш, жамият томонидан инсонга муносиб ҳаёт даражасини ва инсон тараққиётини таъминлашга ёрдам беришдан иборат.

Эркин ижтимоий-иқтисодий фаолият кўрсатишни таъминлаш, иш билан бандлик, касб танлаш, ўқиш ва билим олиш, даромадларнинг кафолатланиши, ҳар бир фуқаронинг ўз иқтисодий фаолиятида даромадга эга бўлиши, истеъмолчилар ҳимояси, истеъмолчилар жамиятлари, товарлар ва хизматлар сифати, истеъмол кафолатини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, ижтимоий таъминот тизими ва аҳолининг муҳтож, кам таъминланган қисмларига пенсиялар, нафақалар, турли хил имтиёзлар бериш ва шу кабилар ижтимоий ҳимоянинг асосий йўналишларидир.

Мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо қилишда давлат томонидан кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати олиб борилмоқда. Кучли ижтимоий сиёсат республикамизнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг етакчи тамойилларидандир. Ишсизлик муаммосини ҳал қилишда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, касаначилик кўл келмоқда. Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури амалга оширилмоқда. Инфляцияга қарши муттасил чора-тадбирлар кўрилмоқда. "Ўзбекистон Республикаси аҳолисини 2010 йилгача бўлган даврга мўлжалланган ижтимоий ҳимоя тизимининг ягона концепсияси" ишлаб чиқилган. Унда республикамизда мавжуд бўлган ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий ёрдамнинг барча турлари белгиланган.

Бозор муносабатларига ўтиш ва ижтимоий-иқтисодий тизимни ислоҳ қилиш қаторида маҳалла марказий ўринда турибди. Юртбошимиз мазкур маърузасида бу борада алоҳида тўхталиб, жумладан, бундай деди: "Жамиятимизда сиёсий барқарорлик ва ижтимоий адолатни қарор топтиришнинг муҳим воситаси бўлмиш, ҳаётимизда қадимдан ўзини оқлаб келаётган маҳалла идораси бу масалада алоҳида ўрин тутиши ҳақида гапириш ортиқча. Кенг халқ оммасини давлат ва ҳокимият идоралари билан бамисоли кўприкдек боғлаб турадиган бу ноёб тизим мамлакатимизда ижтимоий муҳофаза сиёсатини амалга ошириш йўлида қўшаётган улкан ҳиссаси билан халқимиз назарида катта обрў қозонаётгани бежиз эмас, албатта".

Маълумки, 2004 йилнинг 1 июлидан бошлаб мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари кенгашлари аппарати тузилмасида тарбиячи-педагог лавозими ўрнига диний-маърифат ва маънавий-аҳлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимлари жорий этилди. Бу лавозимларга ҳаёт тажрибасига эга бўлган, аҳолида, биринчи навбатда ёшларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш масалала-

☑ Йил адоғидаги суҳбатлар

Одатда, янги йилнинг биринчи кунларида киши ғалати кайфиятга тушади. Яъни, у қилинган ишлар сарҳисоби ва белгиланаётган режалар оралиғида қолади. Биз қандай юмушларга улгурмадик? Зиммамизда яна қай вазифалар турибди? Ўтган йил ҳар биримиздан рози кетдимикин? Янги йилчи? У биздан нималарни кутмоқда? Улкан мақсадлар сари бориш учун тайёрмизми? Адоқсиз саволу сўроқлар ичра қоларканмиз, фусункор борлиққа термулиб, кўнглимиздан ажиб ҳис-туйғулар кечади:

Қор ёғар майдалаб, тун ҳам ғаройиб,
Борлик жим, гўёки хаёлга чўмган.
Байрам бу, ўйлайман гоҳ маъюс, гоҳ шод,
Янги йил, менга не келтираркинсан?

Айни дақиқаларда мен суҳбатдошларимизнинг сўзларини қоғозга тушираркинсан, улардан бажарган ишлари баробарида янги режаларини ҳам баён этишларини сўрадим.

БИЗДАН РОЗИ БЎЛСИН, ЎТАЁТГАН ЙИЛ...



Дилшод РАҲИМОВ — Жиззах шаҳридаги Тиббий ташхис марказининг бош шифокори:

— Илгариги йилларда ён-атрофимиздаги вилоятлар, шаҳар ва туманлар аҳолиси тиббий текширувдан ўтиш учун пойтахтга боришар, ўзларига навбат келишини пойлаб бир неча кунлик вақтларини катта шаҳарда ўтказишарди. Икки йилдирки, уларнинг узоғи яқин, оғири енгил бўлди, десам янглишмайман. Марказимиздаги беморлар учун барча шарт-шароит бор, энг замонавий тиббий асбоблар сотиб олганмиз. Шунингдек, текширувдан кейин бемор катта шаҳардагидан кўра бир неча ҳисса кам ҳақ тўлайди. Мана шу енгиллик беморларимизга айниқса, қўл келаяпти. Яқинда марказимизга ЭХО (энцефалография), фиброгастроскоп, электроэнцефалография, лаборатория таҳлилларида зарур бўладиган бионализатор аппаратлари ҳам келтирилдики, эндиликда кунига юзлаб беморларга юқори даражада тиббий хизмат кўрсатиш имконига эга бўлдик. Келгусида ушбу марказни янада кенгайтириш ниятидамиз. Бу ерда иш юритаётган шифокорларнинг аксарияти кўп йиллик иш тажрибасига эга. Демак, беморлар учун тиббий хизмат сифати янада яхшиланади! Янги йилда барча-барчага энг яхши истакларимни айтарканман, аввало «Ҳамма вақт ўз соғлиғингиз учун қайғуриб яшанг!» дейман.

Йил ўтар, умр ўтар, тўхтаб турмас вақт,
Ёш ҳам улғаяди, сезмаймиз баъзан.
Соғ-омон яшайлик дўстлар, ҳар соат,
Янги йил, бизга не келтираркинсан?

Зуҳра ИЛЁСОВА — Тошкент шаҳридаги 1-Мурувват уйининг шифокори:

— Мен ногирон болалар орасида жуда кўп йиллар ишладим, уларни даволадим. Айни пайтда ҳам бу масканда уч юздан ошиқ бола тарбияланади. Уларнинг ҳаётдан завқ олиб, соғу саломат яшаши йўлида қирққа яқин шифокор ва руҳшунослар жон куйдирадилар. Ахир, бу болақайларнинг ҳам бошқалар каби кулиб-яйраб яшашга, дунё лаззатларидан баҳраманд бўлишга ҳақлари бор! Ота-оналаридан кўрмаган меҳрни берайлик уларга... Мамнун бўлиб айтишим керакки, ўтган йилда болажонларимизга қулай шарт-шароит яратиш учун ёрдам қўлини чўзаётган ҳомий ташкилотлар сафи янада кенгайди. Ҳозирги вақтда уларнинг сони элликтадан ҳам ошиб кетди. «Ижтимоий ҳимоя йили»да янада мурувватли бўлайлик! Қолаверса, кексаларимиз тилида «Сен эзгу ишга бирни сарфласанг, Аллоҳ сенга ўнни беради» деган ҳикмат бор. Шунга амал қилайлик, азизларим...

Назар ташлагин-а, босган йўлингга,
Бир чимдим меҳрни қизғондинг кимдан?
Шошил, иссиқ сўз айт бирор кимсага!
Янги йил, бизга не келтираркинсан?!

Санобар ТЎХТАЕВА — Тошкент Метрополитени Ҳамза бекатининг бошлиғи:

— Кўпчиликка бизнинг ишимиз оддий туюлади. Аслида бундай эмас. Метрога кириб-чиқаётган ҳар бир одамни синчиклаб кузатамиз, кайфияти, соғлиги ва хатти-ҳаракати учун жавобгармиз. Бир куни йўловчи аёлнинг аҳволи ёмонлашиб қолди, юраги хаста экан. Дарҳол уйига хабар бердик, «Тез ёрдам» етиб келгунича биринчи тиббий кўмакни бердик. Шу жиҳатдан биз психолог ва тиббий ходим сифатида ҳам озми-кўпми билимга эга бўлишимиз зарур. Умуман, иш фаолиятим давомида шунга ўхшаш воқеалар кўп учраган, доимо инсонлар учун хизматга шай турганман. Кўп йиллик меҳнатларим ва ҳушёрлигим учун мени махсус медал билан ҳам мукофотлашди яқинда. Метро ичида тинчлигу осойишталикни сақлаш йўлида ҳамиша бор куч-ғайратимни сарфлайвераман.

Бордир ҳар бир ишнинг савол, жавоби,
Ҳаётда ҳеч қачон қилмагин армон.
Шундай яша – бўлсин юрт сендан рози.
Янги йил, бизга не келтираркинсан?!

Муҳайё ҒАНИЕВА — Андижон шаҳридаги 3-туғруқ комплексининг тажрибали ҳамшираси:

— Агар она ва бола соғлом бўлса, миллат ҳам буткул соғлом ҳолда қад кўтаради. Ҳар куни юзлаб чақалоқлар дунёга келаётган бу даргоҳда ишларканман, мен бу масъулиятни бирор дақиқа ҳам унутмайман. Устозимиз, бош шифокор Саодат Аҳмаджонованинг бир ўгитлари бор. «Янги давр кишисининг соғ-омон туғилишига масъул шахс эканлигингизни ҳеч эсдан чиқарманг!» дейдилар доим. Шунинг учун ҳам бўлғуси оналар ва гўдагини бағрига босиб туғруқхонадан уйига шошилаётган опа-сингилларимиз билан бола парвариши, уни авайлаб-асраш хусусида қайта-қайта суҳбатлашаверамиз. «Келажак авлод вакилини бахтиёр инсон қилиб тарбиялашда асло чарчаманг» дейман уларга. Озод юрт бахтига янги авлод соғ-омон улғайсин!

Аждодлар ҳикматин бордикми тинглаб,
Миллат камолотин ўйлаётган дам.
Кўнгил тўлармикан ўтганни эслаб,
Янги йил, бизга не келтираркинсан?

Суҳбатларни Г.ЖАМИЛОВА ёзиб олди

«ЎЗДЭУ АВТО» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Республикамиз меҳнат аҳлини Янги йил билан самимий табриклайди. Жаннатмакон она юртимизга кўз тегмасин. «Ижтимоий ҳимоя йили»да барча ишларингиз бароридан келсин.

«COSCOM» МЧЖ ҚЎШМА КОРХОНАСИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Мамлакатимиз халкини Янги – 2007 йил билан муборакбод этиб, барчага сихат-саломатлик, тинчлик ва тотувлик тилайди.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ КЕНГАШИНИНГ ТЕРМИЗ, ОЛТИНСОЙ, ҚУМҚЎРҒОН ТУМАНЛАРИ ВАКИЛЛИКЛАРИ

Мамлакатимиз зиёлилари, талаба ва ўқувчиларни Янги — 2007 йил байрами билан қизғин Муборакбод этади. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, дастурхонларимиз тўкин бўлсин.

рида ижобий таъсир ўтказа оладиган обрўли ва фаол хотин-қизлар тайинланиши мақсадга мувофиқдир. Тегишли далиллар келтирамиз.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 9 минг 941 та фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари бор, булардан 8 минг 349 таси маҳаллалардир. Бу маҳаллалардан 7 минг 900 тасида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчилар фаолият кўрсатмоқдалар. 7 минг 900 маслаҳатчи дегани зўр ижтимоий куч! Улардан оқилона фойдаланиб, фаолиятларини тобора кучайтириб бориш лозим. Афсуски, 7 минг 900 маслаҳатчидан атиги 65 киши махсус диний билимга эга, бу 1 фоизни ҳам ташкил этмайди. Назаримизда, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузурида, ёки унинг тузилмалари қошида шундай маслаҳатчиларнинг малакасини ошириш институти ёки доимий курсларини очиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбек маҳалласи хайр-эҳсон ўчоқларидан биридир. Маҳаллаларда кам таъминланган оилаларга, аълочи ўқувчиларга ҳамда контракт пулини тўлашга имконияти етишмай турган талабаларга ёрдам кўрсатишда ибратли ишлар йўлга қўйилмоқда. Контракт пулини маҳалла ва масжид жамоатчилиги томонидан ҳам тўлаб юборилиши маҳалла турмушидаги янги ва яхши одатлардан биридир. Масалан, ўтган йили Тошкентнинг бош жомеси ҳисобланмиш Носируддин Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор валий жоме масжиди қавмининг бой-бадавлат кишилари томонидан 16 талабанинг ҳар бири учун 600 -700 минг сўмдан контракт пули холисаниллоҳ тўлаб юборилди.

Ўзбек маҳаллаларидаги янгиликлардан яна бири шуки, ўзига тўқ ва бадавлат кишилар ўзлари яшаб турган кўчаларни таъмирлатмоқдалар. Масалан, кейинги пайтда Шайхонтоҳур туманидаги "Оқилон" ва "Исломобод" маҳаллаларида 10 дан ортиқ кўча шу йўсинда таъмирланди. Саховатпеша кишиларнинг ҳар йили бир марта берадиган закотлари айрим маҳаллаларда оқсоқолларга тарқатиш учун топширилмоқда, улар эса закот маблағини расамади билан кам таъминланган оилаларга бермоқдалар.

Яна шуни ҳам алоҳида қайд этиш зарурки, ўзбек маҳалласига қизиқиш ва унинг аҳамиятини эътироф этиш жаҳон миқёсида тобора кучайиб бормоқда. Бу ҳол ўтган йилнинг ноябр ойида Самарқандда бўлиб ўтган "Демократик институтлар ва жараёнларни ривожлантириш аҳволи ва истиқболлари: Ўзбекистон ва Россия тажрибаси" мавзуидаги халқаро давра суҳбатида ҳам таъкидланди. Икки кун давомида ушбу тадбир иштирокчилари фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократик ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга оид қатор долзарб масалаларни муҳокама қилдилар, етук фуқаролик жамиятини қуришда ўзбек маҳалласининг ўрни ҳақида ҳам сўз юритилди. Фуқаролик жамиятини қуришда асрлар давомида шаклланган ўзбек маҳалласининг аҳамияти катгадир. Ўзбек маҳалласи барқарор жамоат институтидир. Бутун дунёда унинг айнан ўхшаши йўқ.

* * *

Президентимиз тантанали маросимда йиғилиш қатнашчилари билан бир фикрни ўртоқлашиб, жумладан, бундай деди: "Ҳаммамиз яхши биламизки, бу дунёда ўзидан орттириб бировга бегараз, беминнат ёрдам кўрсатиш, ўзгалар манфаатларини устун қўйиб, хайрли ишлар қилиш, очиқ айтиш керак, ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Минг шукрки, юртимизда халқимизга хос ана шундай азалий қадриятларни улуғлаб, уларни давом эттириб келаётган инсонлар кўплаб топилади. Бундай инсонларнинг қилаётган эзгу ва саховатли ишларини эшитганда, "Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак" деган даъват минг-минглаб юртдошларимизнинг қалбида акс-садо бераётганини кўрганда одам беихтиёр тўлқинланиб кетади". Юртбошимиз ана шундай ватандошларимизнинг айрим вакиллари номларини, жумладан, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида яшовчи нуроний отахон Жаҳонгир Усмонов, Сирғали туманида яшовчи пенсионер Суярқул Туроббоев, ғузорлик фермер Ғайрат Пўлатов, Самарқанд вилоятидан педагог Иброҳим Раупов, Андижоннинг Қўрғонтепа қишлоғидан меҳнат фахрийси Умрзоқ Холмирзаев, Наманган вилояти, Мингбулоқ туманидаги фермер хўжалиги раҳбари Ҳакимжон Юсуповлар эл-юрт манфаати йўлида қилган савобли ишлар ҳеч қачон бежиз кетмаслигини тилга олиб, бундай ишлар Яратганимизга ҳам, халқимизга ҳам хуш келишини, муқаддас Қуръон оятида "Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир" деб башорат қилинишини таъкидлаб ўтди. Бундай бағрикенг, олиҳиммат ватандошларимизни ҳар томонлама қадрлаш, ҳурматини жойига қўйиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши лозим.

Мазкур тантанали маросимда миллий давлатчилигимиз тарихида янги ва унутилмас воқеа юз берди. Юртбошимиз ўзининг эзгу ишлари билан ўрнак кўрсатган юртдошларимизни, уларнинг улуғ ёшини инобатга олган ҳолда, ҳар бир мусулмон учун орзу бўлган, қолаверса, фарз бўлган муқаддас ҳаж зиёратига давлат ҳисобидан юборишга қарор қилинганини билдирди. Бу бошқаларга ҳам ибратли бир қадам бўлғусидир. "Ижтимоий ҳимоя йили"да, - дея бу борадаги фикрини давом эттирди Президентимиз, - эл-юртимизга кўп хизмати сингган, ҳозир ҳам ўзининг ҳаётий ўгитлари билан ибрат бўлиб келаётган муҳтарам фахрийлар ва пенсионерларимизнинг соғлом ва мазмунли умр кечириши учун шароит яратиб бериш бўйича аввалги йилларда бошлаган ижобий ишларимизни албатта давом эттирамиз". Демак, "Қарияларни қадрлаш йили"да бошлаб юборилган эзгу ишлар янги поғонага кўтарилади. Бинобарин, қариялари қадр топган юртда файзу барака бўлади, фаровонлик, тинчлик, хотиржамлик ҳукм суради, ёш авлод қошида кекса авлоднинг салобати ортади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармойишида, жумладан, "ёшларнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, уларнинг қобилияти ва салоҳиятини юзага чиқариш учун шароит яратиш" кун тартибига қўйилган. Ёшларнинг қобилияти ва салоҳиятини юзага чиқаришда энг синалган ва самарали бўлган усул **устоз ва шогирдлик** муносабатларидир. Бу борада халқимиз бой тарихий анъаналарга эга. Мисол тариқасида Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг Самарқанд астрономия ва математика мактабини, Алишер Навоийнинг Ҳирот адабий мактабини, Камолиддин Беҳзоднинг Ҳирот ва Табриз миниатюра мактабини келтириш мумкин. Ёки бўлмаса, йигирманчи асрда фаолият кўрсатган шоир Ғайратий домланинг адабиёт тўгарагини, академик Ҳабиб Абдуллаевнинг геология, академик Тошмуҳаммад Саримсоқовнинг математика, академик Иброҳим Мўминовнинг фалсафа, академик Яҳё Ғуломовнинг археология, академик Собир Юнусовнинг алколоидлар кимёси, академик Обид Содиқовнинг органик моддалар кимёси, академик Ҳамдам Усмоновнинг полимерлар кимёси, академик Карим Аҳмедовнинг коллоидлар кимёси, академик Убай Ориповнинг ядро физикаси, академик Воҳид Абдуллаевнинг адабиёт тарихи бўйича, Ҳоди Зарифнинг фольклоршунослик, Ҳамид Сулаймоннинг матншунослик мактабларини мамнуният билан тилга олиш мумкин ва лозим. Мазкур илмий ва ижодий мактабларда сабоқ олган ўша ёшлар бугунги кунда устозлик мақомига эришганлар. Айтилганлардан хулоса шуки, "Ижтимоий ҳимоя йилида самимий устоз-шогирдлик муносабатлари янада жонланиб кетажак.

Саховатли халқимиз яшаётган диёримизда ҳеч ким, ҳеч қачон жамият эътиборидан четда қолмаган. Давлат миқёсида "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилинган 2007 йилда бу эътибор янада кучайишига, катта самаралар келтиришига ишончимиз комил.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ўзбекистон санъат арбоби, ёзувчи

ЎЗБЕКИСТОН МАДҲИ

Водийи келиндек нозланган юрт бу,
Воҳаси куёвдек отланган юрт бу.
Манглайига зардан зарҳаллар солиб,
Ўзбекка Худодан хатланган юрт бу.
Отамнинг кўксидек баланд Сурхоним,
Она Самарқандим — қадим қўрғоним.
Бобур хасрати-ю соғинчи бўлган,
Одамлари жондек жон Андижоним.
Сўлим Фарғонага саломлар бўлсин,
Наманганга дилбар каломлар бўлсин.
Юртга подшоҳ берган Қашқадарёнинг,
Юзи ёруғ бўлсин, боши тик бўлсин.
Сирдарё лабида сирлар кўрарман.
Бухоро бағрида пирлар кўрарман.
Ёзу баҳорингдан айланай юртим,
Жиззахда бахмалдек қирлар кўрарман.
Ким келса бошини силагандир у,
Буюкларга иқбол тилагандир у.
Бошида улуғлаб Қорақалпоқни,
Пойи ҳам тахт бўлган гўзал Тошкент бу.
Хоразмда хонлар излари бордир,
Паркентнинг париваш қизлари бордир.
Янги хонадондек гўзал Навоий,
Сенда ҳазратимнинг кўзлари бордир.
Мангу зафарларга отланган юртим,
Ўзбекка Худодан хатланган юртим.
Белин белбоғ қучган Бободеҳқоним,
Шонли зафар қучган Ўзбекистоним.
Бахтга сафарларинг муборак бўлсин,
Тўю зафарларинг муборак бўлсин.

Гулжамол АСҚАРОВА,
Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси

Тадбир

СУВ УСТИДА ШОУ

Жойларда янги йил тадбирлари бошланиб кетди. Айниқса, кўнгли ўксик қалбларга катта эътибор қаратилмоқда. Уларни хушнуд этиш ниятида саховатпеша инсонлар енг шимариб савоб ишларга қўл урмоқдалар.

Ўзбекистон кичик бизнес, савдо, матлубот кооперацияси ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Марказий кенгаши, Ўзбекистон касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти, Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва «Тадбиркор-савдоплюс» ҳамкорлигида ўтказилган хайрия тадбирига Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оила фарзандлари ҳамда ногирон болалар таклиф этилди.

«Мадагаскар-2» деб номланган сув устидаги спорт шоусидан Митрофанов номидаги сув ҳавзаси байрамона тус олди.

— Анчадан бери болаларимиз бундай томошани кўрмаган эдилар, — дейди пойтахтимиздаги 57-ихтисослаштирилган мактаб ўқитувчиси Л.Нацис. — Ҳар йили бир хил дастур, бир хил эртак қаҳрамонлари... Бу сафар эса ўзгача. Янги, бутунлай бошқача шоу, яна сув устида. Бир эътибор беринг-а, болажонлар шундай қизиқиш билан томоша қилишмоқдаки, худди яхши кўрган қаҳрамонлари уларнинг ёнида.

Ҳақиқатан ҳам дастур янгича услубда тузилганлигининг гувоҳи бўлдик. Дид билан безатилган сув ҳавзаси, эртак ва мультфилм қаҳрамонларининг байрамона костюмлари. Буларнинг ҳаммаси тадбирга жиддий ёндошилганидан далолат бериб турибди.

Ушбу дастурнинг аҳамиятли томони шундаки, унда спортни ривожлантириш ва болаларни унга жалб этишга катта эътибор берилган. «Шарқ» жамоаси, «Цирк» артистлари, Республика спорт мактаби ўқувчилари, «Сув парилари» танлови қатнашчилари ҳамда бошқа кўплаб 100 га яқин спортчилар иштирокидаги синҳрон сузиш, байдарка, таэквондо, гимнастика каби спорт турлари бўйича намойиш этилган ажойиб чиқишлар олқишлар билан кутиб олинди.

— Биласизми, бу тадбирга келиб янги йилга янги режалар туздим. Бундай шоудан кейин спортга қизиқишим янада ортди, — дея гапимизни тасдиқлайди 57-ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси Л. Сайтхалилова. — Келаётган йилда, албатта, сузиш билан шуғулланишга аҳд қилдим. Чунки саломатликка катта фойда, шу билан биргаликда инсонни кучли ва руҳий тетик қиларкан.

Хуллас, сув устида байрам шоуси болаларнинг кайфиятини чоғ қилди. Яйраб ўйнашди, мириқиб томоша кўришди. Қорбобо ва Қорқизнинг янги йил табрикларидан беҳад севинишди. Ишонамизки, шодиёна билан кутиб олинган йилда ҳам шоду хуррамлик ҳамроҳ бўлиб қолади.

Р.МАҲКАМОВА,
«Ишонч» мухбири

Орамиздаги одамлар

САНЪАТГА БАХШИДА ОИЛА

Қўшиқ — илоҳий туйғу. Инсон уни тинглаб бутун вужуди билан оҳанглар оғушига сингиб кетади, ўзини руҳан тетиклашгандай ҳис этади. Кўнгли равшанлашиб, ҳаётга бўлган меҳри чархланади.

Шайхонтоҳур туманидаги 186-умумтаълим мактабида фаолият кўрсатиб келаётган мақомчилар дастаси қатнашчилари халқ қўшиқлари, мақом йўлидаги ашулаларни дилдан жўшиб ижро этишади. Билим даргоҳига санъат арбоби Темур Маҳмудов тез-тез ташриф буюриб туради. Жамоа аъзолари ўзбек миллий чолғу асбоблари ёрдамида куй чалиш, рақсга тушиш ва қўшиқ ижро этишни ўргана бориб, турли тадбир ва байрам тантаналарида фаол иштирок этиб, ўз репертуарларини бойитиб боришмоқда.

Даста аъзолари халқимизнинг урф-одати, миллий қадрият ва анъаналарини саҳна кўринишларида маҳорат билан ижро этиб, ёш томошабинлар олқишига сазовор бўлишаяпти. Айниқса, турли маросимларда кийиладиган либослар намойиши томошабинларда ҳайрат уйғотади. Айни пайтда бебаҳо меросга эга бўлган халқ фарзанди бўлиш, шу юрт бағрида камол топиш бахтининг нақадар азиз эканлигини чин дилдан кўнгилга туйиш туйғуси ҳар бир ўқувчи қалбини фахр ва ифтихорга тўлдирмоқда. Даста 2005 йилда республика мақомчилар танловида ўн бешта гуруҳ ичида биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлгани ҳам бежиз эмас.

Шунингдек, билим даргоҳидаги «Бойчечак» болалар хор тўгараги ҳам кўп йиллардан бери фаолият кўрсатиб, телевидение ва радио орқали мунтазам чиқиш қилиб келаётган жамоалардан. 2006 йилда «Ўзбекистон — Ватаним маним» республика кўрик-танловида, «Мустақиллик лолаларимиз» ва «Бойчечак» қўшиқлари билан фахрли иккинчи ўринни олишди. Бунда Нигора Саъдуллаева, Моҳинур Ҳошимбекова, Ясмин Бахтиёрова, Азиз Исмоилов каби ёш санъаткорларнинг номларини алоҳида тилга олиб ўтиш жоиз.

Мактабдаги мусиқа машғулотлари ўтказиладиган хона ва заллар жиҳози киши диққат-эътиборини ўзига тортмай қолмайди. Бу ерда турли чолғу асбоблари мавжуд бўлиб, «Болалари куйлаган халқ бахтлидир», «Ўзбек халқ миллий чолғу асбоблари», «Ўзбек бастакорлари» каби кўргазма ва витриналар киши диққатини беихтиёр ўзига тортади. Китоб жавонларида ўзбек мусиқа, рақс ва қўшиқларига оид адабиётлар тартиб билан териб қўйилган.

— Қўшиқ биз учун тарбия қуроли ҳамдир, — дейди мактабнинг маънавий ва маърифий ишлар бўйича директори ўринбосари Гули Музаффарова. — Уни тинглаб бола шаклланади, маънавий озиқ олиб улғаяди ва камол топади.

Дарҳақиқат, қўшиқ ва мусиқага ошно бўлган ўғил, қиз яхши ҳулқ эгасигина бўлиб қолмасдан, касб-ҳунар эгаллашга ва жамоат топшириқларини бажаришда ҳам фаол бўлишга интилади. Ана шу ибратли ишларнинг барчасида мусиқа муаллимаси, биринчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси Муяссар Убайдуллаеванинг саъй-ҳаракатлари ва ташкилотчилигини алоҳида эътироф этиш мумкин. У Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети мусиқа факультетини тамомлаган.

Муаллима Муяссар Убайдуллаевага акаси, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Қобилжон Орипов устозлик қилган. У киши узоқ йиллар мобайнида Тошкентдаги маданий оқартув техникумида (ҳозирги колледж) педагоглик қилган. Таълим фидойилари Ёқутхон ва Дилбар аялар ҳозир нафақада, кексалик гаштини суришяпти. Сингиллари Машҳура ва Дилфузалар болалар мусиқа мактабида дарс бериб келишяпти. Келини Матлуба, қизлари Шоира ва Саодатлар нафис санъат лицейида мусиқадан дарс беришади. Хуллас, бу оила педагоглар сулоласи сифатида эл-юрт хизматида камарбаста.

Абдулла САИДОВ

Маданият кошоналари

ҚАЛБЛАРНИ БОҒЛОВЧИ УЗИЛМАС РИШТАЛАР

Маълумки, Навоий кон-металлургия комбинатининг мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти юксалишида, халқимиз турмуш даражасининг ўсишида муносиб ўрни бор. Комбинатнинг кўп сонли фидойилари бугунги кунда тоғ жисмлари таркибидан Менделеев даврий жадвалидаги барча элементларни ажратиб олишга муваффақ бўлишаётир. Шуни ҳам эътироф этиш лозимки, комбинат раҳбарияти нафақат ишчи-ходимлар, балки маҳаллий аҳоли турмуш маданиятининг равнақ топиши йўлида ҳам ўз ёрдамини аямаётир. Қуйида вилоят марказида фаолият юритаётган Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли «Фарҳод» маданият саройида амалга оширилаётган эзгу ишлар билан танишасиз.

Кўҳна тарихимиз, миллий қадриятларимиз, буюк аждодларимиз ҳақида гап кетганда, биринчилардан бўлиб улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳазратлари кўз олдимизга келади. Чунки бу мўътабар зот миллатимиз шарафини кўкларга кўтарган, тилимиз гўзаллигини бутун оламга тараннум этган. Навоийликлар шундай улуғ зот номи билан аталган вилоятда яшаётганларидан ҳақли равишда фахрланса арзийди.

Кичик ҳажмдаги меъморий ёдгорликлар, ободончилик воситалари ва монументал нафис санъат намуналарининг уйғунлашиб кетиши шаҳар қиёфасига ўзгача чирой бағишлаган. Маданият саройи жанубий биноси кутубхона хизматлари учун ажратилган. Мазкур билимлар уйида китобхонлар исталган китоблар билан танишиб, вақтли матбуот янгиликларидан воқиф бўлишлари мумкин.

Яқинда мазкур маданият саройида фаолият юритиб келаётган «Соната» рақс ансамбли бадиий жамоаси ҳамда О. Миронова раҳбарлигидаги «Джем» эстрада бадиий жамоаси яна бир улкан ютуқни қўлга киритдилар. Уларнинг халқаро ҳамда республика миқёсидаги танлов ва фестивеллар лауреати, бетакрор овоз соҳиби Шерзод Давронов ҳамкорликдаги чиқишлари Республика касаба уюшмалари Федерациясининг махсус мукофотига сазовор олдида ястанган майдонда мағрур қоматини кериб турган алп йигитнинг ҳайкали қад кўтариб турибди. Бу Алишер Навоий достонининг афсонавий қаҳрамони — Фарҳод тимсолидир. Мазкур ҳайкал шаҳарнинг рамзи ҳисобланади, у замондошларимиз жасоратини шарафлайди.

Муҳташам «Фарҳод» маданият саройи 1971 йилда ишга туширилган эди. Ҳозирда ўзининг 35 йиллик тўйини нишонлаш тараддудида. 2000га яқин ижодкор ёшлар ва қизиқувчилар ўзларининг бўш вақтларини мазкур маданият ўчоғида ўтказишга одатланишган.

Аввало, тароватли кошона хусусида гапирадиган бўлсак, бу даргоҳда юксак дид, шарқона меъморий услуб замонавийлик билан ўзаро уйғунлик ҳосил қилган. Ҳордиқдан кўра, ҳайрат олдинроқ кўнглингни забт этади. Ойна ва нақшинкорлик услубида безатилган фойе, унинг адоғида «Учрашув» дея аталмиш шинам ва ёруғ қаҳвахона жойлашган. Никоҳ ва бошқа тантанавор тадбирлар учун мўлжалланган паркет зали, 200 ўринга мослашган сарой, кичик залда шаҳар ва вилоят миқёсидаги тадбирлар ўтказилиб турилади. 750 нафар томошабинга мўлжалланган катта залда эса концерт, учрашув, кўрик-танловлар ўтказилади.

Маданият саройидаги катта кўргазмалар залига шунчаки ҳавас билан қадам ранжида қилишнинг иложи йўқ. Чунки у ерда Навоий КМК узоқ йиллик тарихига оид суратлар, бадиий-ижодий лавҳалар ҳаётнинг жонли лаҳзалари каби уйғоқлик руҳида акс эттирилган. Бунда қирқ йиллик самарали меҳнатини бахшида этган ижодкор, рассом-фотосуратчи Владимир Шляхтиннинг ҳиссаси бениҳоя катталиги.

Саройнинг 3 қаватли туташ бўлди. Яхшиси, бағрида катта ижодий, маданий бойликларни мужассам этган ушбу сарой ютуқлари ҳақида жамоа аъзоларининг ўзидан эшитсак:

Паламарчук Юрий Васильевич — Навоий КМК касаба уюшмаси кенгаши раиси:

— Аввало шуни айтиш жоизки, ҳазрати инсон қўли мўъжизакор ишларга қодир. Унинг измида чўллар шаҳарга, тупроқ олтинга айланиши мумкин. Шунинг учун инсон меҳнатининг маҳсулинигина эмас, аввало уларнинг ўзини қадрлашни ўрганишимиз керак. Биз эса ҳар доим ишчи ва ходимлар учун намунали меҳнат шароитларини яратиш, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳимояланишига доир вазифаларни биринчи ўринга қўйиб келамиз.

«Фарҳод» маданият саройи бугунги кунда нафақат НКМК жамоаси, балки кўпмиллатли навоийликлар севимли тадбиргоҳига айланган. Саройнинг намунали хизмат кўрсатиши, жиҳозланиши ва энг замонавий, дунёвий техникаларга эга бўлишида касаба уюшмамиз билан бир қаторда, комбинат бош директори Николай Иванович Кучерскийнинг кўмаги катта бўлаётир. Кириб келган Ижтимоий ҳимоя йилида ҳам Навоий, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарлари ободончилиги, халқларимизнинг ҳар жиҳатдан ҳимояланишлари йўлида аниқ режаларни тузиб олдик.

Насиба Шомуродова — «Фарҳод» маданият саройи матбуот хизмати бўйича етакчи мутахассиси:

— Айтадиган гапларим шунчалар кўпки, қайсидан бошлашимни ҳам билмайман. Маданият саройининг ёш ва иқтидорли хонандаси Шерзод Давронов ва унинг сафдошларининг баҳамжиҳатликдаги изланишлари ҳар қанча мақтовга лойиқдир. Шерзоднинг бетакрор истеъдоди у иштирок этган ва лауреат бўлган «Золотой Скиф» (Донецк шаҳри), «У Чёрного моря» (Ялта шаҳри), «Золотой шлягер» (Могилёв шаҳри) кўрик-танловларидаги жонли ижро жараёнида янада намоён бўлди.

Шарқ ва Ғарб мусиқасининг уйғунлиги, ижро маҳорати, бадиий етуклик Шерзод қўшиқларидаги ўзига хослик ва бетакрорликни таъминлайди. Хонанданинг концертида янграган кўплаб қўшиқлар мусиқасини «Джем»нинг истеъдодли мусиқачиси Асад Раҳимов басталаган. Г. Чернов, Д. Кенжаев, А. Раҳимов, О. Миронов, У. Қодиров, О. Тиллаев, А. Соколов, Т. Савич каби изланувчан ижодкорларни катта санъат йўлидаги баҳамжиҳатлик боғлаб туради. Қолаверса, шаҳарда хушовоз ва иқтидорли ёшларнинг кашф этилишида юксак дид соҳиби, бағри кенг раҳбар Николай Петрович Сисоев ғамхўрликлари каттадир. Камтарона хислатлари туфайли ёшлар унга ҳам дўст, ҳам мураббий, ҳам устоз сифатида мурожаат қилишади.

Мирошниченко Людмила Георгиевна — меҳнат фахрийси:

— Иккинчи жаҳон уруши йилларида юзлаб болакайларни поездда Тошкент шаҳрига олиб келишганди. Венгерлар оиласи мени фарзандликка олди. Бошимдан кўп қаттиқ-қойим кунларни кечирдим. Тақдир тақозоси билан Навоий шаҳрида яшаб келяпман. Бўш вақтларимда манзарали расмлар чизиш билан шуғулланаман. Менга ватан бўлган ва бағрини очган иқлим бетакрор манзараларини қаламга олиш катта шарафдир.

НКМК ҳамда Навоий Давлат педагогика институти раҳнамолигида мен чизган манзаралар дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатларини кезиб келди. Кейинги янги асарларим эса маданият саройининг кичик кўргазмалар залида намойиш этилмоқда. Ёшим 70 дан ошган бўлишига қарамасдан, сарой қошида фаолият юритаётган уруш ва меҳнат фахрийларининг «Ивушка» рус халқ ансамблида иштирок этаман.

Суҳбатимиз поёнига етмасдан кичик кўргазмалар залига 3 — 4 нафар меҳнат фахрийлари кириб келишди. Улар жамоанинг фаол иштирокчиларидан бири бўлган Людмила Георгиевнани ўзлари билан бошлаб кетдилар. Дарвоқе, Людмила Назаренко раҳбарлигидаги хор бадиий жамоасида 69 ёшдан 80 ёшгача бўлган 36 нафар нуроний отахон ва онахонлар иштирок этишаркан. Гуля Батталова раҳбарлигидаги «Хуторяне» украина халқ бадиий жамоасининг довруғи эса республикамизга машҳур.

Бир сўз билан айтганда, «Фарҳод» маданият саройида ўзига хос уйғунлик касб этган маънавий бойликлар туганмас кон заҳираларини эслатади. Зеро, бу бойликлар элларни элларга, дилларни дилларга боғлагувчи ўзилмас риштадир.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ишонч» мухбири

«Ишонч»га ишонч ортмоқда

Фуқаролар манфаати, уларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимояланиши доимо давлат эътиборида бўлиб келмоқда. Таъкидлаш лозимки, юртимизнинг ҳар бир фуқароси ана шу эътибордан баҳраманд бўлаётир.

Пахтачи туманида истиқомат қиладиган 120 минг аҳолининг 12500 нафарини пенсионерлар ташкил этади. Уларга нафақа пуллари ўз вақтида етказиб берилмоқда. Якка-ёлғизлар, кам таъминланган оилалар таъминоти ҳам ҳамиша эътиборда. Бу ишлар замирида миллатимизга хос меҳр-оқибат, чин инсонпарварлик фазилатлари намоёндир.

Нафақаларни вақтида тарқатиш билан бирга, мавжуд 22 минг хонадонга хат-хабар ва оммавий ахборот воситалари ўз вақтида етказиб берилмоқда.

МАҚСАДЛАР МУШТАРАК БЎЛСА



Бу борада «Хумор», «Пўлатчи», «Қувондиқ» сингари алоқа бўлимлари намуна бўлмоқдалар. Кейинги уч йилда соҳа иши бўйича бирор-бир шикоят ёки норозиликлар юз бермаган.

Жамоамиз аъзолари ҳар йили обуна ишига алоҳида масъулият билан ёндашадилар. 2007 йил учун 11500 нусхада турли матбуот нашрларига обуна бўлинди. Бу ўтган йилдагига қараганда, 3000 нусхага кўп демакдир. «Ишонч» газетаси ҳақида тўхталадиган бўлсак, ушбу оммабоп нашрга эҳтиёж тобора ортиб бораётир. Меҳнаткашлар ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоячиси бўлмиш «Ишонч»га фермерлар, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари катта ишонч билан қарашмоқда.

Олимжон ПЎЛАТОВ,
Пахтачи тумани «Зиёвуддин» алоқа тармоғи бошлиғи

ЁШЛАРНИНГ ЯНГИ ЙИЛ БАЗМИ

Вилоят марказидаги «Бухоро — Палас» меҳмонхонасида ўтказилган тадбир ана шундай номланди. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказилган байрам базмида Бухоро давлат университети, озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти ҳамда касб-ҳунар коллежларининг энг илғор талабаларидан 150 нафари иштирок этди. Шўх-шодон ўтган ёшлар даврасида илм толибларининг кузатилаётган йилдаги муваффақиятлари, галдаги режалари тилга олинди. Даврада янграган куй ва қўшиқлар, ҳазил-мутойиба кўнгилларга ором бағишлади.

Тадбир якунида бир гуруҳ аълочи ва иқтидорли, моҳир спортчи, фаол китобхон, жамоатчи талабаларга байрам совғалари топширилди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ишонч» мухбири

А.ҲАКИМОВ чизган сурат

Сўзсиз сурат.

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. O'.K.U.F. F.T.U.U. ОЛИЙ БАХТ

БОШ МУҲАРРИР
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Гуломзокир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият
153-52-78
Бўлимлар
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими: 153-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими: 153-87-73
Ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўлими: 153-87-74
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими: 153-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43
Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба, ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - Ғ.Юсупов
Навбатчи - Р.Суяров
Мусаҳҳиҳ - Д.Камолов

Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров ва Ю.Михайловский

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 17.00

Буюртма Г— 015

Тиражи: 19246